

«Askiya dehqon bozori» АЖ
акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиш
Б А Ё Н Идан кўчирма

2021 йил 19 март
Соат 11-00

Тошкент шаҳри

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй.

Акциядорларнинг 2020 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2021 йил 19 март куни ўтказилди. Йиғилишда 626216 овозга эга акциядорлар қатнашди, бу жами акциядорларнинг 96,34 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 96,02 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Каримов Ғ.Р. – Жамият кузатув кенгаши аъзоси, йиғилиш раиси.

Ганиев Д.И. - “Муниципиал активларини бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи,

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.

Юнусалиев О. – «Аския дехкон бозори» АЖ директори ўринбосари,

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Бойматова Гузал.

Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Ибрагимова Гулчехра, Мақсудходжаева Малиқа, Суюндиқова Севара Асатилло кизи.

Йиғилишга «Аския дехкон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Каримов Ғофиржон Рузиқулович раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.
4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес режасини ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси режасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг директорини сайлаш.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.
12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш вата тасдиқлаш.
13. Жамият Устав капиталини қамайтириш.
14. Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш.
15. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.
16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзгачикувчиларга 5 минутгача.

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Аския деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

2. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “IQTIDOR AUDIT INFORM” аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2020 йил 03 мартдаги ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

5.1. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 170354.0 минг.сўм. миқдорда олинган соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- соф фойданинг 10 % захира жамғармасига - 17035,4 минг.сўм,

- жамиятнинг зарарларини қоплашга, жамиятнинг тўлов қобилиятини тиклашга 90 %- 153318,6 минг. сўм.

(Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

7. Жамият директорлигига номзод сифатида кўрсатилган Юнусалиев Одил Ахматжоновични жамият директори этиб сайланишига етарли рози овоз бўлмаганлиги сабабли масала тасдиқланмади (Ёқлаган 716 – 0.12 %, Қарши 625500 – 99.88 %, Бетараф 0 – 0 %).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8.1. Ганиев Дилмурод Иркинович 626216 та овоз

8.2. Ирматов Мурод Абдукаххарович 626216 та овоз

8.3. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич 626216 та овоз

8.4. Акбарходжаев Лазизхон Турапович 626216 та овоз

8.5. Алимов Иномжон 626216 та овоз

8.6. Каримов Сардор Юлдашбаевич 626216 та овоз

8.7. Каримов Ғофиржон Рузиқулович 626216 та овоз

8.8. Исроилов Абдулазиз Абдусатторович 0 та овоз

8.9. Исмоилов Хикматилла Исматович 0 та овоз

9. Тафтиш комиссиясига Турсунов Хамидулла Хаётиллаевич, Норхужаев Нозимхўжа Абдуқодир ўғли ва Туйчиев Фаррух сайлансин. (Ёқлаган 626216 та овоз – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин. (Ёқлаган 626216 та овоз – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “IQTIDOR AUDIT INFORM” аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 6.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улуши (ҳокимият улуши)ни камайтириш юзасидан тайёрланган ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, жамиятдаги давлат улуши ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтирилсин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

13.1. Бунда жамиятнинг амалдаги ҳар бир акциясининг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 650000 дона акциядан иборат 650 000 000 сўмлик устав фонди 3469 дона акцияларга ёки 3 469 000 сўмга камайтирилиб, янги устав фонд 646531 дона акциядан ёки 646531000 сўмдан иборат қилиб тасдиқлансин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

13.2. Бу ҳолатда жамиятнинг устав фонди фақат ҳокимиятга тегишли ҳар бирининг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 3469 дона акцияларга ёки 3469000 сўмга камайтирилади. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

13.3. Ушбу масала бўйича қабул қилинган умумий йиғилиш қарорига зарур ҳолатларда тузатиш киритиш ёки қайтадан ишлаб чиқиш ваколати жамият кузатувга кенгашига берилсин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

14. Жамиятнинг шаҳобчасини берилиши билан боғлиқ жамиятнинг аффилиланган шахси, яъни Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК билан тузиладиган битим маъқуллансин. (Ёқлаган 716 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

14.1. Ушбу масала бўйича қабул қилинган умумий йиғилиш қарорига зарур ҳолатларда тузатиш киритиш ёки қайтадан ишлаб чиқиш ваколати жамият кузатувга кенгашига берилсин. (Ёқлаган 716 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

15. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ҳамда ўзгартиришлар матни тасдиқлансин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

15.1. Ушбу масала бўйича қабул қилинган умумий йиғилиш қарорига зарур ҳолатларда тузатиш киритиш ёки қайтадан ишлаб чиқиб ваколати жамият кузатувга кенгашига берилсин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

16.1. Ушбу масала бўйича қабул қилинган умумий йиғилиш қарорига зарур ҳолатларда тузатиш киритиш ёки қайтадан ишлаб чиқиб ваколати жамият кузатувга кенгашига берилсин. (Ёқлаган 626216 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

Баённома имзоланган сана: «28» март 2021 йил.

Йиғилиш раиси

Каримов Ф.Р.

Котиба

 Бойматова Г.